

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА «ИЛМИЙ-
ТЕХНИКА МАРКАЗИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«ИЛМИЙ-ТЕХНИКА МАРКАЗИ»
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ**

УСМОНОВ НИЗОМЖОН ОРИФОВИЧ

**ҲАВОНИ МЎЪТАДИЛЛАШ ТИЗИМЛАРИДА ТАБИИЙ СОВУҚЛИК
МАНБАЛАРИНИНГ ИМКОНИАТЛАРИ**

05.05.04 – Саноат иссиқлик энергетикаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Усмонов Низомжон Орифович

Ҳавони мўътадиллаш тизимларида табиий совуқлик манбаларининг
имкониятлари 3

Усмонов Низомжон Орифович

Потенциал естественных источников холода в системах
кондиционирования воздуха 23

Usmonov Nizomjon Orifovich

Possibilities of using natural sources of cold in air conditioning systems 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА «ИЛМИЙ-
ТЕХНИКА МАРКАЗИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«ИЛМИЙ-ТЕХНИКА МАРКАЗИ»
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ**

УСМОНОВ НИЗОМЖОН ОРИФОВИЧ

**ҲАВОНИ МЎЪТАДИЛЛАШ ТИЗИМЛАРИДА ТАБИИЙ СОВУҚЛИК
МАНБАЛАРИНИНГ ИМКОНИАТЛАРИ**

05.05.04 – Саноат иссиқлик энергетикаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Техника фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Т367 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация «Ўзбекэнерго» АЖ «Илмий-техника маркази» масъулияти чекланган жамиятда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

**Исаходжаев Хайрулла
Суннатуллаевич**
техника фанлари бўйича PhD

Расмий оппонентлар:

Цоколаев Игорь Борисович
техника фанлари доктори, профессор

Искандаров Зафар Самандарович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

«Иссиқликэлектрлойиха» АЖ

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ва «Илмий-техника маркази» МЧЖ ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.03.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўча, 2-уй. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32 e-mail: tstu_info@tdtu.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 227-03-41.)

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Қ.Р. Аллаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор, академик

Н.Б. Пирматов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари доктори, профессор

Р.П. Бабаходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
техника фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ишлаб чиқариш ва ҳавони мўътадиллаш тизимлари айланма сувини совитиш, ҳамда технологик қурилмаларни ва бино-иншоотларда ҳавони мўътадиллаш (совитиш, иситиш, шамоллатиш ва намлантириш) учун буғлатиб совитиш қурилмасидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан, ривожланган мамлакатларда замонавий технологияларни қўллаш орқали «саноат корхоналарида кенг қўлланиладиган буғлатиб совитиш қурилмалари ёрдамида электр энергия сарфини 70% гача камайтиришга эришилган»¹. Шу билан бирга, жаҳонда барча илмий ва муҳандислик фаолияти табиий ва энергетик захиралардан оқилона фойдаланиш йўлини излашга ва инсон ҳаёт фаолиятини таъминлайдиган экологик самарали қурилмаларни яратишга қаратилган. Бу борада, жумладан жаҳон амалиётида ҳавони мўътадиллаш тизимларини энергия самарадорлигини ошириш учун табиий совуқлик манбаларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда, ҳавони мўътадиллаш тизимларида айланма сувларни совитиш ва табиий совуқлик манбаларидан фойдаланиш усуллари, буғлатиб совитиш усулига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва моделлаштириш, икки босқичли буғлатиб совитиш қурилмаларини такомиллаштириш ва ишончилигини ошириш, шунингдек, ҳавони мўътадиллаш тизимларида энергия истеъмолини камайтирадиган замонавий технологияларни ишлаб чиқиш масалаларига қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу соҳада, жумладан, турар-жой ва жамоат биноларида ҳавони мўътадиллаш тизимлари учун совуқликни асосий манбаи сифатида буғ компрессорли совитиш машиналари қўлланилади, бироқ булар бир қатор камчиликларга эга. Шу сабабли ҳавони мўътадиллаш тизимларида совуқликни табиий манбаларидан фойдаланиш масаласи долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикамизда иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлган энергетика соҳасини ривожлантириш соҳанинг технологик даражасини янгилаш, жумладан бино ва иншоотларда ҳавони мўътадиллаш тизимларида конструктив ва иш режим кўрсаткичларини моделлаштириш, қурилманинг геометрик ўлчамларини ва унга сарфланадиган захираларни, энергия истеъмолини камайтириш ишлари амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... яқин келажакда устувор вазифа сифатида иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сиғимларини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ...»² вазифалари белгиланган. Мазкур вазифани амалга ошириш, жумладан ҳавони мўътадиллаш тизимларини (совитиш, иситиш, шамоллатиш ва намлантириш)

¹ <https://www.munters.com/ru/areas-of-expertize/evaporative-cooling/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

табiiй совуқлик манбаларидан фойдаланиб такомиллаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2343-сон «2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «2017-2021 йилларда қайта тикланувчан энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилиш даражаси. Ҳавони мўътадиллаш тизимларида содир бўладиган иссиқлик ва масса алмашинуви жараёнлари режимини ҳисоблаш, ҳавони мўътадиллаш тизимлари бўйича йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Sakarya University (Туркия), Stuttgart University, Dresden University of Technology (Германия), Polytechnic University of Milan (Италия), Волгоград давлат архитектура қурилиш университети, Новосибирск давлат техника университети, Миллий тадқиқот университети «МЭИ» (Россия), Тошкент архитектура қурилиш институти, Тошкент давлат техника университети, «Илмий-техника маркази» МЧЖ (Ўзбекистон) кенг камровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Бино ва иншоотларда ҳавони мўътадиллаш, ҳамда иссиқлик ва масса алмашинуви жараёнларини илмий асосларини ечишга қаратилган назарий ва илмий муаммоларни ҳал қилишда машҳур олимлар Кокорин О.Я., Нестеренко А.В., Пономаренко В.С., Берман Л.Д., Гоголин А.А., Ладыженский Р.М., Карпис Е.Е., Михеев М.А., Эккерт Э.Р., Баркалов Б.В., Богословский В.Н., Мигай В.К., Назаренко В.С., Грановский В.Л., Поз М.Я., Пеклов А.А., Степанова Т.А., Соколик А.Н., Холмберг Р.Б., Sparrow Е.М., Besant R.W., Watt J.R., Hess A.J., Bacon R.A., ва бошқа олимлар катта ҳисса қўшишган. Республикамизда ҳавони мўътадиллаш тизимларида иссиқлик ва масса алмашинуви жараёнларини жадаллаштириш, ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш борасида қуйидаги ўзбек олимлари Захидов Р.А., Аvezов Р.Р., Мухиддинов Д.Н., Бабаходжаев Р.П., Рашидов Ю.К., Исманхужаева М.Р., Исаходжаев Х.С. ва бошқа олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган ва олиб боришмоқда. Аммо бу тадқиқотлар натижалари асосида икки босқичли буғлатиб совитиш тамойилида ишлайдиган ҳавони мўътадиллаш тизимларида табiiй совуқлик

манбаларидан фойдаланиш имкониятлари етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур ишда, содир бўлувчи иссиқлик ва гидродинамик жараёнларини таҳлил қилиш ва ҳавони мўътадиллаштириш тизими учун қурилманинг оқилона технологик ва геометрик кўрсаткичларини танлаш, совитилган сув ва ҳаво кўрсаткичларини аниқлаш учун математик модел ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштириш масалалари атрофлича кўриб чиқиш ва тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга масалалардан бири ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти “Илмий–техника маркази” масъулияти чекланган жамияти илмий тадқиқот режасининг №АЗ-ФА-0-15754 “Ишлаб чиқариш объектларини иссиқлик - совуқлик таъминоти тизимлари учун янги услубларни ва ечимларини ишлаб чиқиш” (2013-2016) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳавони мўътадиллаш тизимларининг энергия самарадорлигини ошириш учун табиий совуқлик манбаларидан фойдаланиш имкониятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

буғлатиб совитиш аппарати гидродинамикасини аниқлаш учун тажриба қурилмасини яратиш ва табиий совуқлик манбаларидан фойдаланишнинг имкониятларини ўрганиш;

буғлатиш камерасида ҳаво совутиш жараёнини назарий таҳлил қилиш ва математик моделини ишлаб чиқиш;

буғлатиб совитиш қурилмасидан чиқувчи сув ва ҳаво ҳароратларини ҳисоблаш учун алгоритм ва дастур ишлаб чиқиш;

буғлатиб совитиш қурилмаси ва айланувчи регенератив иссиқлик утилизатори насадкаларининг геометрик кўрсаткичларини танлаш;

ҳавони мўътадиллаш тизимларида айланувчи регенератив иссиқлик утилизаторларини қўллашни таҳлил қилиш, ҳамда иссиқлик утилизаторидан чиқаётган нам ҳаво кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида буғлатиб совитиш қурилмаларидан фойдаланишга асосланган ҳавони мўътадиллаш тизимлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ҳавони мўътадиллаш тизимларида айланма сувларни буғлатиб совитиш қурилмаларининг энергетик ва иссиқлик техникавий кўрсаткичлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида ҳавони мўътадиллаш тизимларида иссиқлик ва масса алмашинув жараёнларини математик моделлаш, шунингдек олинган натижаларни қайта ишлаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳавони мўътадиллаш тизимларида табиий совуқлик манбаларидан фойдаланиб, энергия самарадор схема ишлаб чиқилган;

буғлатиб совитиш қурилмалари иссиқлик ва масса алмашинув жараёнларининг математик модели дифференциал тенгламалар системаси асосида ишлаб чиқилган;

буғлатиб совитиш камерасидан чиқаётган нам ҳавонинг ҳўл термометр бўйича ҳарорати суғориш коэффициентига мос равишда ўзгариши аниқланган;

буғлатгич ва айланувчи регенератив иссиқлик утилизатордан чиқувчи нам ҳаво кўрсаткичларини аниқлаш учун аппроксимацион ифодалар ишлаб чиқилган;

иссиқлик ва масса алмашинуви жараёнида фойдаланишга мўлжалланган насадкаларнинг геометрик кўрсаткичлари математик модель асосида оқилона танланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ҳавони мўътадиллаш тизимларида ҳавони икки босқичли совитиш қурилмасининг иссиқлигини ҳисоблаш математик модели ишлаб чиқилган;

ҳавони мўътадиллаш тизимларининг энергия самарадорлигини ошириш учун айланувчи регенератив иссиқлик утилизаторидан фойдаланиб, ҳавони мўътадиллаш тизимининг ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган;

айланувчи регенератив иссиқлик утилизатори насадкасининг геометрик кўрсаткичларини танлаш бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий иш натижалари, яъни буғлатиб совитиш камерасида иссиқлик ва масса алмашинувини мураккаб формулаларидан фойдаланиб, жараёни математикасини ўрганиб, тажрибаларни режалаштириб, сонли натижалар билан тажриба натижаларидан олинган қийматлар мос келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти икки босқичли ҳаво ва сувни буғлатиб совитиш қурилмасида ҳаво ва сувни берилган ҳароратгача совитиш, ҳамда жараёни иссиқлик ва масса алмашинувини моделлаштириш, ҳамда айланувчи регенератив иссиқлик утилизаторини оқилона геометрик кўрсаткичларини аниқлаш билан изоҳланади.

Ишлаб чиқилган иқтисодий самарадор услуб ва қурилма бино-иншоотларда ҳавони иссиқлик ва намлик билан ишлов беришда жорий қилинган. Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти кичик қувватли энергия тежамкор айланувчи регенератив иссиқлик утилизаторини қўллаш орқали икки босқичли совитиш қурилмаси яратилган. Ишлаб чиқилган усул корхона бино-иншоотларда ҳавони мўътадиллаш тизими самарадорлигини ошириш ва айланувчи регенератив иссиқлик утилизаторни ҳисоблаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Корхона бино-иншоотларида табиий совуқлик манбаларидан фойдаланиб, икки босқичли буғлатиб совитиш қурилмасини қўллаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

айланувчи регенератив иссиқлик утилизаторидан фойланиб, икки босқичли буғлатиб совитиш қурилмаси «O'ZBEK IPAGI» уюшмаси тизимидаги корхонага, хусусан «ТЕХТИЛ-ИПАК ИМПЕХ» МЧЖ биноти ҳавони мўътадиллаш тизими учун жорий қилинган («O'ZBEK IPAGI»

уюшмасининг 2019 йил 29 августдаги ФМ-01-21/3533-сон маълумотномаси). Натижада ҳавони мўътадиллаш тизимига сарфланадиган электр энергия сарфини 2,3 марта камайтиришга эришилган;

нам ҳавонинг кўрсаткичларини аниқлаш усули ва алгоритми «О'ЗБЕК IPAGI» уюшмаси тизимидаги корхонага, хусусан «ТЕХТИЛ-ИРАК ИМПЕХ» МЧЖ биноси ҳавони мўътадиллаш тизими учун жорий қилинган («О'ЗБЕК IPAGI» уюшмасининг 2019 йил 29 августдаги ФМ-01-21/3533-сон маълумотномаси). Натижада таклиф этилган алгоритмдан фойдаланиб, ҳавони мўътадиллаш тизимидаги муҳандислик вазифалари ечилган;

буғлатиб совитиш қурилмасида кечадиган иссиқлик ва масса алмашинув жараёнларини моделлаштириш асосида натижаларни қайта ишлаш усули «О'ЗБЕК IPAGI» уюшмаси тизимидаги корхонага, хусусан «ТЕХТИЛ-ИРАК ИМПЕХ» МЧЖ биноси ҳавони мўътадиллаш тизими учун жорий қилинган («О'ЗБЕК IPAGI» уюшмасининг 2019 йил 29 августдаги ФМ-01-21/3533-сон маълумотномаси). Натижада ҳавони мўътадиллаш тизимларини лойиҳалашда янги технологик схема ишлаб чиқилган;

бино-иншоотларда микроиклим шароитини яратишда икки босқичли ҳавони буғлатиб совитиш ҳисоб-график усули «ТЕХТИЛ-ИРАК ИМПЕХ» МЧЖ биносини ҳавони мўътадиллаш тизими учун жорий қилинган («О'ЗБЕК IPAGI» уюшмасининг 2019 йил 29 августдаги ФМ-01-21/3533-сон маълумотномаси). Натижада бино-иншоотларнинг ҳарорати 23-25 °С ва нисбий намлигини 50-60 % бўлишини таъминлашга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан, 4 та халқаро ва 3 та республика анжуманларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шу жумладан, хорижий журналларда 2 та мақола, республика журналларида 6 та мақола чоп этилган бўлиб, 1 та ЭҲМ дастури учун гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 108 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг кириш қисмида ишни долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгиликлари ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларининг илмий – амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ҳавони мўътадиллаш тизимларида табиий совуқлик манбаларидан фойдаланиш бўйича бажарилган илмий ва**

амалий ишлар таҳлили” деб номланган биринчи бобида тадқиқот масалаларининг замонавий ҳолати ва таҳлили асосида тадқиқотлар муаммоси шакллантирилган. Ушбу боб ҳавони мўътадиллаш тизимларида мавжуд буғлатиб совитиш қурилмалари ва табиий совуқлик манбаридан фойдаланиш услубларини таҳлил қилишдан бошланган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, таклиф қилинган икки босқичли буғлатиб совитиш тамойилида ишлайдиган ҳавони мўътадиллаш тизимларида табиий совуқлик манбаларидан фойдаланиш имкониятларининг илмий муаммоси етарли даражада ўрганилмаган. Шу сабабли, табиий совуқлик манбаларини қўллаган ҳолда тизимнинг энергия тежамкорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш зарурияти вужудга келган. Буғлатиб совитиш қурилмаларининг гидродинамик ва иссиқлик жараёнларини ўрганиш, ҳамда конструкцияларини такомиллаштириш асосида уларнинг энергия самарадорлигини ошириш ва ҳисоблаш услубларининг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги ифодаланган.

Диссертациянинг **«Ҳавони буғлатиб совитиш қурилмасини тадқиқ қилиш ва уни натижалари»** деб номланган иккинчи бобида икки босқичли буғлатиб совитиш қурилмасини текширишга бағишланган. Насадкали қатламда иссиқлик бериш коэффициентини аниқлаш учун иссиқлик ташувчиларнинг ҳаракатланиш жараёнлари кўриб чиқилган ва лаборатория шароитида синовдан ўтказиш натижалари берилган.

Таҷриба қурилмасининг асосий элементлари: қурилма ичига ҳавони сув буғларига тўйиниб чиқиши учун Рашиг халқали $25 \times 25 \times 3$ мм ўлчамли насадкалар тартибли жойлаштирилган, қурилманинг баландлиги 1200 мм, диаметри 300 мм ва жараённи кузатиб туриш учун шиша қувурдан ясалган. Ҳаво ҳаракатланишида гидравлик қаршиликни камайтириш учун пастки панжаранинг тирқиши умумий юзанинг 85 % ини, ҳамда насадкалар орасидаги бўшлиқ 60 % ни ташкил этади. Насадкаларни сув билан суғориш учун насадкалар юқорисига сувни сачратиб берувчи мослама (форсунка) ўрнатилган. Камерада ишлатиб бўлинган сув йиғувчи бакка тушади ва циркуляцион насос (БВ 0,12-20) ёрдамида қайтадан сувни сачратиб берувчи (форсунка)га узатилади. Таҷриба қурилмасида кирувчи ва чиқувчи ҳаво кўрсаткичлари, яъни ҳарорат ва нисбий намлик термометр ва психрометрда аниқланади. Ҳаво миқдорини аниқлашда стандарт диафрагма ва сув миқдорини аниқлаш учун эса қувурга ротаметр ўрнатилган. Гидравлик қаршиликни аниқлаш учун эса дифференциал манометрлардан фойдаланилди.

Ҳаво насадка ишчи қатламлари тирқишларидан ўтиб, суғориш камерасида сув билан ўзаро алоқада бўлади. Ҳаво ҳаракати қурилмани пастки қисмидан вентилятор (ВО 12-300-4) ёрдамида амалга оширилади, ҳамда суғориш камерасида сувга нисбатан қарама-қарши ҳаракатда бўлади. Қурилмага жойлаштирилган насадкани ишчи қатлами баландлиги $300 \div 400$ мм ва сув томчини ажратгич қалинлиги эса 200 мм қилиб ясалган. Камерага берилаётган ҳаво тезлиги насадкалар кесими бўйича $0,8 \div 1,2$ м/с. Насадка суғориш қатлами кесими юзасига тушаётган сув тезлиги $2 \div 5$ м/с. Ҳаво


хароратини нам термометр кўрсаткичига тушириш учун суғориш коэффициентини $0,1 \div 0,4 \text{ кг/кг}$ оралиқда бўлиши керак. Шу оралиқда сув харорати ташқи ҳаво хароратини ҳўл термометр кўрсаткичига совитиш мумкин.

Буғлатиб совитиш қурилмаси самарали ишлаши учун қурилманинг геометрик кўрсаткичлари қуйидаги нисбатни қаноатлантириши керак бўлади.


$$\frac{D_{ан}}{d_{нас}} > 10, \frac{H_{ст}}{D_{ан}} \leq 1 \text{ ва } H_{ст} = (5 \div 8) * d_{нас} \quad (1)$$

$D_{ан}$ – қурилма диаметри, $d_{нас}$ – насадка диаметри ва $H_{ст}$ – насадка баландлиги.

Тадқиқотлар 1-расмда кўрсатилган тажриба қурилмасида олиб борилган.



1-расм. Синов – тажриба қурилмасининг чизмаси. 1 – Буғлатиш камераси, 2 – Рашига халқали насадка, 3 – форсунка, 4 – сув йиғгич, 5 – сув насоси, 6 – манометр, 7 – ротаметр, 8 – вентиль, 9 – томчи ажратгич, 10 – вентилятор




2 – Расм. Ҳаво тезлиги $w = 0,8 \div 1,2 \text{ м/с}$ бўлганда гидравлик қаршилиқни (ΔP) суғориш зичлигига (ρ) боғлиқлиги


Илк тажриба гидравлик қаршиликни аниқлаш учун ўтказилди.

Қуруқ насадкаларга нисбатан намланган насадкаларни гидравлик қаршилиги ΔP анча катта, шунинг учун сувни озгина қисми насадкани ювилиши сабабли насадка сиртида ва каналларида сақланиб қолади. Натижада насадкалар бўш ҳажми ва кесими камаяди, ҳамда ҳавони ҳақиқий тезлиги ошиб насадканинг гидравлик қаршилигини оширади. Намланган насадканинг гидравлик қаршилигини аниқ ҳисоблаш қийин, чунки ҳаво тезлиги ва намлаш зичлиги бир хил бўлганда ҳам ΔP нинг қиймати насадкани колонна ичида жойлашувига боғлиқ. Насадка элементларини катталиги турлича бўлгани учун ΔP нинг қиймати ўзгарувчан бўлади.

Бу графикда $Re=1000 \div 1500$ гача ўзгарганда умумий гидравлик босим ҳаво тезлигига боғлиқ ҳолда $300 \div 450 \text{ Па}$ тенг бўлган катталиқда ўзгариб туради. Тажриба натижалари шунни кўрсатадики, бошқа муаллифлар олган тажриба натижалари билан биз олган тажриба натижаларимиз бир-бирига мос келмоқда.



3 – Расм. Ҳаво тезлиги $w = 0,8 \div 1,2 \text{ М}/\text{с}$ бўлганда буғланаётган сув миқдорини (q) суғориш зичлигига (ρ) боғлиқлиги




4 – Расм. Ҳаво масавий тезлиги $\rho * w = 1 \div 1,4 \frac{\text{кг}}{\text{м}^2 * \text{с}}$ бўлганда суғориш коэффициентини (μ) ҳавони нисбий намлигига (ϕ) боғлиқлиги

Қурилманинг умумий гидравлик қаршилиги насадкани барқарор баландлигига, ҳавони тезлигига ва суғориш зичлигига боғлиқ бўлган мураккаб функциядир. Ҳавони тезлиги берилган қийматдан тушиб кетса, сувга нисбатан муваффақиятсизлик учрайди ва режим бузилади. Ҳаво тезлиги ошиб кетса, ўзи билан сув миқдорларини атмосферага олиб кетади, бу эса сув миқдорини исроф бўлишига сабаб бўлади.

Ҳозирги вақтда энергия сарфини камайтириш мақсадида иссиқлик ва масса алмашинуви жараёнларини мақсадли ўтказишда насадкаларни полимер материаллардан ишлаб чиқарилмоқда. Чунки бу насадкалар фазаларни контакт юзаларидаги иссиқлик ва масса алмашинувини ривожлантиришга олиб келади.

Диссертациянинг “Ҳавони мўтадиллаш тизимларида айланма сувларни буғлатиш ва нурли совитиш жараёнларини тадқиқ қилиш” деб номланган учинчи бобида буғлатиб совутиш аппарати иссиқлик ва моддий мувозанатлари келтирилган, ҳамда суғориш қатламларда совитилаётган айланма сув ҳарорати аниқланган.

Сув буғланишида ҳар қандай иссиқлик ва масса алмашинуви жараёнида бўлгани каби, камида иккита материал ва иссиқлик мувозанат бажарилиши керак. Материяни сақланиш қонунига асосланиб, буғлатиб совитгичлар учун моддий мувозанат ифодасини тузиш мумкин.



5 – расм. Буғлатиб совутовчи қурилмани иссиқлик ва моддий мувозанатларини чизма тасвири

G_c ва G_x – совитгичга кировчи сув ва ҳаво сарфи, t_c ва t_x – совитгичга кировчи сув ва ҳаво ҳарорати, i_1 ва i_2 – совитгичга кировчи ва чиқувчи ҳаво энъталпиялари, ρ_1 ва ρ_2 – совитгичга кировчи ва чиқувчи ҳаво зичликлари, x – намлик миқдори.

Элементар ҳажм учун иссиқлик баланс тенгламаси қуйидаги кўринишга эга:

$$\rho_{\text{сув}} * \vartheta_{\text{сув}} * \frac{\partial I_{\text{сув}}}{\partial R} = \rho_{\text{ҳаво}} * \vartheta_{\text{ҳаво}} * \frac{\partial I_{\text{ҳаво}}}{\partial Z} \quad (2)$$

Тенгламани чап томонини иссиқлик бериш коэффициентига боғлаймиз ва қуйидаги кўринишда ёзилади:

$$\rho_{\text{сув}} * V_{\text{сув}} * \frac{\partial I_{\text{сув}}}{\partial \tau} = \alpha * (t_{\text{ҳаво}} - t_{\text{сув}}) * f \quad (3)$$

Буғланиш камерасига кираётган сувни атроф-муҳит билан иссиқлик алмашиниши:

$$\frac{\partial I_{\text{сув}}}{\partial \tau} = \vartheta_{\text{сув}} * \frac{\partial I_{\text{сув}}}{\partial r} \quad (4)$$

(4) ифодани (2) ифодага қўйиб, қуйидагини оламиз:

$$\frac{\partial I_{\text{сув}}}{\partial R} = \frac{\alpha * f}{\rho_{\text{сув}} * \vartheta_{\text{сув}} * V_{\text{сув}}} * (t_{\text{ҳаво}} - t_{\text{сув}}) \quad (5)$$

(5) ифодани (3) ифодани ҳисобига қуйидаги кўринишга келади.

$$\frac{\partial I_{\text{ҳаво}}}{\partial Z} = \frac{\alpha * f}{\rho_{\text{ҳаво}} * \vartheta_{\text{ҳаво}} * V_{\text{сув}}} * (t_{\text{ҳаво}} - t_{\text{сув}}) \quad (6)$$

бу ерда: $\rho_{\text{сув}}$ ва $\rho_{\text{ҳаво}}$ – сув ва ҳаво оқими зичлиги ($\frac{\text{кг}}{\text{м}^3}$), $\vartheta_{\text{сув}}$ ва $\vartheta_{\text{ҳаво}}$ – сув ва ҳаво оқими тезлиги ($\frac{\text{м}}{\text{с}}$), $\partial I_{\text{сув}}$ ва $\partial I_{\text{ҳаво}}$ – сув ва ҳаво энтальпиялари ($\frac{\text{кЖ}}{\text{кг*К}}$), α – иссиқлик бериш коэффициенти ($\frac{\text{Вт}}{\text{м}^2*\text{К}}$), f – иссиқлик алмашиниш юзаси (м^2), $t_{\text{сув}}$ ва $t_{\text{ҳаво}}$ – сув ва ҳавони ўртача ҳароратлари ($^{\circ}\text{C}$), $\partial \tau$ – вақт бўйича ўзгариши (с), ∂R – буғланиш камерасининг радиуси (м), ∂Z – баландлик (м).

Ҳаво сув билан тўғридан-тўғри алоқада бўлганда уни кўрсаткичларини ҳисоблашда заррачалар юзаси устига чегаравий қатлам шаклланади. Бундай ҳолларда тўйинганлик чизиғидаги ҳаво кўрсаткичларини билиш, бунинг учун тахминий тенглама билан $\varphi = \text{const}$ боғлиқлигини тасвирлаш керак. Айланма сув таъминоти тизимларида сувни совитиш жараёнлари ва ҳавони мўътадиллаш учун энтальпиядан фойдаланамиз.

$$\partial I_{\text{сув}} = c_{\text{сув}} * \partial t_{\text{сув}}, \quad \partial I_{\text{ҳаво}} = c_{\text{ҳаво}} * \partial t_{\text{ҳаво}} \quad (7)$$

(7) ифодани (5 ва 6) ифода билан биргаликда ёзамиз:

$$\frac{c_{\text{ҳаво}} * \partial t}{t_{\text{ҳаво}} - t_{\text{сув}}} = \frac{\alpha * f}{\rho_{\text{ҳаво}} * \vartheta_{\text{ҳаво}} * V_{\text{сув}}} * \partial Z \quad (8)$$

Қатлам баландлиги бўйича $t_{\text{сув}} = \text{const}$ ҳолатда интегралласак, интеграллангандан кейин $Z = 0$ ва $t_{\text{сув}} = t'_{\text{сув}}$ га тенг деб оламиз, ва (9) ифода қуйидаги кўринишга келади

$$t_{\text{ҳаво}} = t'_{\text{сув}} + (t'_{\text{ҳаво}} - t'_{\text{сув}}) * \exp\left(\frac{\alpha * F}{G_{\text{ҳаво}} * H_{\text{қат}} * c_{\text{ҳаво}}} * Z\right) \quad (9)$$

бу ерда: $t'_{\text{сув}}$ ва $t'_{\text{ҳаво}}$ – сув ва ҳавони бошланғич ҳароратлари ($^{\circ}\text{C}$), $c_{\text{сув}}$ ва $c_{\text{ҳаво}}$ – сув ва ҳавони ўртача иссиқлик сиғимлари ($\frac{\text{кЖ}}{\text{кг*К}}$), $G_{\text{ҳаво}}$ ва $G_{\text{ҳаво}}$ – сув ва ҳавони вақт бўйича массавий сарфлари ($\frac{\text{кг}}{\text{с}}$), $H_{\text{қат}}$ – қатлам баландлиги.

(3) ифодани қуйидаги кўринишда ёзамиз:

$$\frac{\partial I_{\text{сув}}}{\partial r} = \frac{\rho_{\text{ҳаво}} * \vartheta_{\text{ҳаво}}}{\rho_{\text{сув}} * \vartheta_{\text{сув}}} * \frac{\partial I_{\text{ҳаво}}}{\partial Z} \quad (10)$$

ёки қатлам баландлиги учун

$$\frac{\partial I_{\text{сув}}}{\partial r} = \frac{\rho_{\text{хаво}} * \vartheta_{\text{хаво}} * c_{\text{хаво}}}{\rho_{\text{сув}} * \vartheta_{\text{сув}} * H_{\text{қат}}} * (t'_{\text{хаво}} - t_{\text{хаво}}) \quad (11)$$

(11) ифодани (8) ифода $\partial I_{\text{сув}} = c_{\text{сув}} * \partial t_{\text{сув}}$ ёрдамида қуйидаги кўринишда ёзишимиз мумкин:

$$\frac{\partial t_{\text{сув}}}{\partial r} = \frac{G_{\text{хаво}} * c_{\text{хаво}}}{c_{\text{сув}} * G_{\text{сув}} * R_{\text{ички}}} * (t'_{\text{хаво}} - t_{\text{хаво}}) \quad (12)$$

(12) ифодани (9) ифода билан тенглаштирамиз

$$\frac{\partial t_{\text{сув}}}{t'_{\text{хаво}} - t_{\text{сув}}} = \frac{G_{\text{хаво}} * c_{\text{хаво}}}{c_{\text{сув}} * G_{\text{сув}} * (R_{\text{таш}} - R_{\text{ич}})} * \left[1 - \exp\left(\frac{\alpha * F}{G_{\text{хаво}} * c_{\text{хаво}}}\right) \right] dR \quad (13)$$

(13) интеграллаймиз, интеграллаш давомида $t'_{\text{хаво}} = t_{\text{хаво}}$ ва $R = R_{\text{ички}}$ деб оламиз. Канал радиуси бўйлаб, суюқлик ҳарорати тарқалиш тенгламасини келиб чиқади


$$t_{\text{сув}} = t'_{\text{хаво}} - (t'_{\text{хаво}} - t'_{\text{сув}}) * \exp\left\{\frac{G_{\text{хаво}} * c_{\text{хаво}}}{c_{\text{сув}} * G_{\text{сув}} * (R_{\text{таш}} - R_{\text{ич}})} * (R - R_{\text{ич}}) * \left[1 - \exp\left(\frac{\alpha * F}{G_{\text{хаво}} * c_{\text{хаво}}}\right) \right]\right\}, \quad (14)$$

(10) ифодани (14) ифода билан соддалаштириб, канал радиуси бўйлаб насадка қатламдан чиқиб кетаётган ҳаво ҳароратини тарқалиш тенгламасини оламиз.


$$t_{\text{хаво}} = t'_{\text{хаво}} - (t'_{\text{хаво}} - t'_{\text{сув}}) * \exp\left\{\frac{G_{\text{хаво}} * c_{\text{хаво}}}{c_{\text{сув}} * G_{\text{сув}} * (R_{\text{таш}} - R_{\text{ич}})} * (R - R_{\text{ич}}) * \left[1 - \exp\left(\frac{\alpha * F}{G_{\text{хаво}} * c_{\text{хаво}}}\right) \right]\right\} * \left[1 - \exp\left(\frac{\alpha * F}{G_{\text{хаво}} * c_{\text{хаво}}}\right) \right] \quad (15)$$

Бугланиш камерасидан чиқиб кетаётган суюқликнинг охириги ҳарорати (15) ифодадан топилади, бу ифода $R = R_{\text{таш}}$ ва $Z = H_{\text{қат}}$ деб олсак қуйидаги ифодани оламиз:

$$t'_{\text{сув}} = t'_{\text{хаво}} - (t'_{\text{хаво}} - t'_{\text{сув}}) * \exp\left\{\frac{G_{\text{хаво}} * c_{\text{хаво}}}{c_{\text{сув}} * G_{\text{сув}}} * \left[1 - \exp\left(\frac{\alpha * F}{G_{\text{хаво}} * c_{\text{хаво}}}\right) \right]\right\} \quad (16)$$



6-расм. Суғориш коэффициенти ($\mu = 0,1 \div 0,4 \text{ КГ/КГ}$) бўлганда буглатиб совитиш камерасидан чиқаётган ҳаво ҳарорати ($t_{\text{хаво}}^{\text{чик}}$) ҳаво тезлигига (ω) боғлиқлиги



7-расм. Ташқи ҳаво кириш ҳарорати ($t_{\text{хаво}}^{\text{ташқи}} = 36 \div 40 \text{ }^\circ\text{C}$) бўлганда бўғлатиб совитиш камерасидан чиқаётган сув ҳарорати ($t_{\text{сув}}^{\text{чик}}$) суғориш коэффициентига (μ) боғлиқлиги

Ҳаво ўртача якуний ҳарорати иссиқлик балансидан бўғланган суюқликни ҳисобга олмаган ҳолда аниқланади.

$$t_{\text{хаво}}'' = t_{\text{хаво}}' - \frac{c_{\text{сув}} * G_{\text{сув}} * (t_{\text{сув}}'' - t_{\text{сув}}')}{c_{\text{хаво}} * G_{\text{хаво}}} \quad (17)$$

бу ерда: $t_{\text{сув}}''$ ва $t_{\text{хаво}}''$ - сув ва ҳавонинг бўғланиш камерасидан чиқиб кетаётган якуний ҳароратлари ($^\circ\text{C}$).



Тенгламалар (2÷17) таҳлили шуни кўрсатадики, суюқлик ва ҳаво ҳарорати ўзгариши бўғланиш камерасида ҳаракат қилаётган иссиқлик ташувчиларнинг иссиқлик ва физик хусусиятига таъсир қилади.

Назарий таҳлиллар шуни кўрсатадики, суғориш зичлиги кам миқдорда бўлганда катламни тўлиқ намланиши иссиқлик ва масса алмашинув коэффициенти катталигига камроқ таъсир қилади деб тушуниш мумкин.

Диссертациянинг “**Икки босқичли бўғлатиб совитиш қурилмаларида айланувчи регенератив иссиқлик утилизаторларини қўллаш**” деб номланган тўртинчи бобида таклиф этилаётган қурилмани термик самарадорлик ва аэродинамик қаршиликни ҳисоблаш усули келтирилган.

Бу иссиқлик алмашинув қурилмалари газларни совитиш ва иситиш, газларни намлаш ва қуритиш, юқори сифатли иссиқлик ташувчиларни иссиқлигидан фойдаланиш учун қўлланилади. Айланувчи регенератив иссиқлик утилизаторлари – бу хонадан чиқариб юборилаётган ва хонага кириб келаётган ҳаво оқимидаги насадка айланиши ҳисобига содир бўладиган иссиқлик узатиш қурилмасидир. Бундай иссиқлик алмашинув қурилмалари ёрдамида хонадан чиқиб кетаётган иссиқликнинг 75-85 % ини иссиқлик тизимига қайтариш мумкин.

8 – расмда координата ўқи бўйича насадкали айланувчи регенератив иссиқлик утилизатори, ҳамда иссиқлик ташувчиларни ҳаракат йўналиши кўрсатилган. Насадка айланишида каналда иссиқлик алмашинув жараёни нобарқарор ҳисобланади. Каналлар юзасидаги ҳарорат насадка узунлиги ва вақт бўйича ўзгариб туради.



Насадка: цилиндрсимон
Материал: алюминли фолга
диаметри: 3 мм
узунлиги: 300 мм

8 – расм. Айланувчи регенератив иссиқлик утилизатори ва уни насадкаси.

Айланувчи регенератив иссиқлик утилизаторлари насадка каналларида иссиқлик алмашинув жараёни куйидаги дифференциал тенглама орқали ёзилади.

$$\begin{cases} \frac{dt_i}{dx_i} = \frac{\alpha_i * F_i}{G_i * Cp_i} * (t_{\text{нас}} - t_i) \\ \frac{dt_{Mi}}{d\tau} = \frac{\alpha_i * F_i}{M * Cp_{\text{нас}}} * (t_i - t_{\text{нас}}) \end{cases} \quad i = 1, 2 \quad (18)$$

бу ерда: $i = 1$ – совуқ ҳаво оқими учун, $i = 2$ – иссиқ ҳаво оқими учун.

Иккала оқим учун иссиқлик баланс тенгламалари куйидагича ёзиш мумкин.

$$dQ_i = \pm \alpha_i * F_i * (t_i - t_{\text{нас}}) * d\bar{x} \quad (19)$$

бу ерда: $d\bar{x} = x/l$ – ўлчовсиз координата катталиги.

Айланувчи регенератив иссиқлик утилизатори ишлаш давомида насадка юзасидаги ўртача ҳарорат, яъни $x=0$ кесимида (иссиқ ҳаво оқимни кириши)

$$t_{\text{нас}, x=l} = \frac{t_{21} + t_{\text{ўр.12}}}{2} \quad (20)$$

$x=l$ кесимида (совуқ ҳаво оқим учун)

$$t_{\text{нас}, x=0} = \frac{t_{11} + t_{\text{ўр.22}}}{2} \quad (21)$$

бу ерда: $t_{\text{ўр.12}}$ ва $t_{\text{ўр.22}}$ – насадкадан чиқаётган совуқ ва иссиқ ҳаво оқими ўртача ҳарорати.

x ўқи бўйлаб насадка юзасидаги ўртача арифметик ҳароратни куйидагича аниқлаш мумкин.

$$t_{\text{нас}, \text{ўр.}} = \frac{t_{\text{нас}, x=0} + t_{\text{нас}, x=l}}{2} \quad (22)$$

Ҳаво оқимидан насадкага келтирилган иссиқлик миқдори

$$\bar{Q} = G * Cp * (t_{x=0} - t_{x=l}) \quad (23)$$

бу ерда: G – ҳавони массавий сарфи, Cp – босим ўзгармас бўлганда ҳавонинг иссиқли сиғими, $t_{x=0}$ ва $t_{x=l}$ – $x = 0$ (иссиқлик ташувчининг кириши) ва $x = l$ (иссиқлик ташувчининг чиқиши) кесимида ҳаво ўртача ҳарорати, $l - x$ ўқи бўйича насадка чуқурлиги (8 - расм).

Иссиқлик миқдори қуйидаги формула билан ҳам ҳисоблаш мумкин.

$$\bar{Q} = \bar{\alpha} * F * \Delta t \quad (24)$$

бу ерда: $\bar{\alpha}$ – иссиқлик бериш коэффициентини, F – насадка иссиқлик алмашилиш юзаси, Δt – насадка юзаси ва ўзаро ҳаво ҳароратларини ўртача фарқи.

Бундай ҳолатларда, насадка юзасини иссиқлик ўтказувчанлигини билиб, ва ҳароратлар фарқини ўлчаб, (24) формуладан иссиқлик бериш коэффициентини аниқлаш мумкин.

$$\bar{\alpha} = \frac{Q}{F * \Delta t_{ар}}, \text{ бу ерда } \Delta t_{ар} = t_{нас,ўр} - \frac{1}{2} * (t_{x=0} + t_{x=l}) \quad (25)$$

Айланувчи регенератив иссиқлик утилизаторларида ҳавони гидравлик қаршилиги қуйидаги формуладан аниқланади.

$$\Delta P_{нас,2} = \zeta_{тр} * \frac{\rho_2 * U_2^2}{2} * \frac{l}{d_{эКВ}}, \quad (26)$$

иссиқ ҳаво оқими учун

$$\Delta P_{нас,1} = \zeta_{тр} * \frac{\rho_1 * U_1^2}{2} * \frac{l}{d_{эКВ}}, \quad (27)$$


совуқ ҳаво оқими учун

бу ерда: l – насадка узунлиги, U_1, U_2 – каналларда оқимларни ўртача тезлиги, ρ_1 ва ρ_2 – оқимларни ўртача ҳароратда зичлиги.

Айланувчи регенератив иссиқлик утилизаторини геометрик таснифлари.


1-Жадвал.

Таснифи	Қиймати
Насадка диаметри	3 мм
Насадка чуқурлиги	300 мм
Иссиқлик алмашилиш юзаси	96,78 м ²
Насадка ҳажми	0,04 м ³
Пластина қалинлиги	0,09 мм



9-рasm. Иссиқлик утилизаторида аэродинамик (ΔP) қаршилиқни ҳаво тезлигига (v) боғлиқлиги


9-расмда айланувчи регенератив иссиқлик утилизаторида исроф бўлаётган босим насадка чуқурлигига ва ундан оқиб ўтаётган ҳаво сарфига боғлиқлиги келтирилган.



10-расм. Иссиқлик утилизаторида аэродинамик қаршиликни (ΔP) ҳаво ҳажмий сарфига (V) боғлиқлиги


Айланувчи регенератив иссиқлик утилизатори насадка айланишлар сони $n = 9 \div 13$ айл/мин, айланиш тезлиги $\vartheta \approx 0,02 \div 0,1$ М/с га тенг.

Насадкали айланувчи регенератив иссиқлик утилизатори айланишлар сони термик самарадорликка таъсир кўрсатади. Насадка айланишлар сони ошиши билан иссиқлик утилизатори термик самарадорлиги асимптотик тарзда ортади ва муайян қийматга эришганда самарадорлик ўзгаришсиз қолади. Шунини инобатга олиш керакки, айланиш тезлиги ошиши билан ҳаво оқими тезлиги ошишига олиб келади, бироқ ҳаво оқими тезлиги ошиши, иссиқлик алмашиниш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.




11-расм. Ҳаво ҳажмий сарфи ($V = 1500 \div 2250$ м³/соат) бўлганда иссиқлик утилизаторида термик самарадорликни (E) насадка айланишлар частотасига боғлиқлиги.

11-расмда тадқиқ қилинаётган иссиқлик утилизаторини иссиқлик самарадорлиги айланишлар сонига боғлиқлиги келтирилган. Олинган натижалардан кўриниб турибдики, дақиқасига айланишлар сони 9 дан 13 гача бўлган қийматни энг мақбул деб ҳисоблаш мумкин.



12-расм. Ҳаво ҳажмий сарфи ($V = 1500 \div 2250 \text{ м}^3/\text{соат}$) бўлганда аэродинамик қаршиликни (ΔP) насадка диаметрига (d) боғлиқлиги



13-расм. Насадка узунлиги ($l = 150 \div 300 \text{ мм}$) бўлганда термик самарадорликни (E) насадка диаметрига (d) боғлиқлиги

Ҳозирги кунда ҳавони буғлатиб совитиш тамойилларини қўллаб, турли биноларнинг тажрибавий ва намунавий лойиҳалари ишлаб чиқарилмоқда. Тажрибавий синовлар натижасида тўпланган маълумотлар ҳисоблаш тавсияларини ва ҳаво билан ишлов беришнинг энг оқилона схемаларини танлашни аниқлашга имкон беради.

Иш жойининг ҳаво кўрсаткичлари ишлаб чиқариш жараёнига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатади. Атроф муҳит хусусиятларининг номувофиқлиги ишлашни қийинлаштиради ва инсон танасига салбий таъсир кўрсатади. Бундай пайтларда хонанинг ҳарорати $23 \div 25 \text{ }^\circ\text{C}$ ва нисбий намлиги $40 \div 60 \%$ да бўлиши керак.

ХУЛОСА

Техника фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси «Ҳавони мўътадиллаш тизимларида табиий совуқлик манбаларининг имкониятлари» илмий иш натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилган:

1. Ўзбекистон иқлимий шароитида икки босқичли буғлатиб совитиш тамойилида ишлайдиган ҳавони мўътадиллаш тизимларида табиий совуқлик манбаларидан фойдаланиш нисбатан самарали эканлиги аниқланди, ҳамда таҳлиллар натижаси янги энергия тежамкор қурилмани яратиш имкониятини берди. Натижада ушбу қурилма, «ТЕХТИЛ-ИРАК ИМПРЕХ» МЧЖда жорий қилиш натижасида, йилига 129,6 минг кВт*соат электр энергия ёки 16 т.ш.ё.ни тежаш имконини берди.

2. Буғлатиб совитиш усулидан фойдаланиб, ҳавони мўътадиллаш тизимларида иссиқлик ва электр энергия сарфини камайтиришга имкон берувчи янги энергия самарадор технологик схема ишлаб чиқилди. Натижада қурилманинг математик модели яратилди.

3. Тажриба орқали буғлатиб совитиш қурилмасидаги айланма сувни гидродинамик қаршилиги (ΔP) ҳаво оқими тезлигига (w) ва буғлатиш камерасидан чиқаётган нам ҳавонинг ҳўл термометр бўйича ҳарорати (t_m) суғориш коэффициентига (μ) мос равишда ўзгариши аниқланди. Натижада суғориш коэффициенти $\mu=0,1 \div 0,4$ кг/кг ораликда t_m қийматига эришиш имкониятини яратди.

4. Мухандисликда ҳисоблашлар учун ҳўл термометр бўйича (t_m) нам ҳаво ҳарорати ва шудринг нуқтаси ҳароратини (t_p) аниқлашнинг ҳисобий тенгламалари олинди. Натижада моделни аниқ ҳисоблаш имконини берди.

5. Ҳисобланган тадқиқот натижаларига кўра, иссиқлик алмашинув насадкаларининг геометрик ўлчамларини қиймати иссиқлик самарадорлигига, ҳаво оқими сарфига (кг/с), босимни исроф бўлишига ва иссиқлик алмашинув сиртларига ўзаро боғлиқ равишда ўзгариши аниқланди. Натижада иссиқлик утилизаторларни лойиҳалашда насадка узунлиги $l = 250 \div 300$ мм ва диаметри $d = 2,6 \div 3,4$ мм бўлиши тақлиф қилинди.

6. Икки босқичли буғлатиб совитиш қурилмасидан чиқувчи сув ($t''_{\text{сув}}$) ва ҳаво ($t''_{\text{ҳаво}}$) ҳароратларини ЭҲМда ҳисоблаш учун алгоритм ва дастур ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ДОКТОРА НАУК DSc 27.06.2017.Т.03.03 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ И
ООО «НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ЦЕНТР»**

**ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ
«НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ЦЕНТР»**

УСМОНОВ НИЗОМЖОН ОРИФОВИЧ

**ПОТЕНЦИАЛ ЕСТЕСТВЕННЫХ ИСТОЧНИКОВ ХОЛОДА В
СИСТЕМАХ КОНДИЦИОНИРОВАНИЯ ВОЗДУХА**

05.05.04 - Промышленная теплоэнергетика

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистана за № В2019.2.PhD/Т367

Диссертация выполнена в Обществе с ограниченной ответственностью «Научно-технический центр»

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdtu.uz) и информационном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Исаходжаев Хайрулла Суннатуллаевич**
PhD по техническим наукам

Официальные оппоненты: **Цоколаев Игорь Борисович**
доктор технических наук, профессор

Искандаров Зафар Самандарович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация: **АО «Теплоэлектропроект»**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.03.03 при Ташкентском государственном техническом университете и ООО «Научно-технический центр». (Адрес: 100095, г.Ташкент ул. Университетская 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32 e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (регистрационный номер - ____). Адрес 100095, Ташкент, ул. Университетская 2 Тел. (99871)246-03-41

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «___» _____ 2019 года).

К.Р. Аллаев
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор технических наук, профессор, академик

Н.Б. Пирматов
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор технических наук, профессор

Р.П. Бабаходжаев
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению ученых степеней,
доктор технических наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в проблемах развития энергетики важное значение имеет исследование потенциалов естественных источников холода в системах кондиционирования воздуха, в том числе в охлаждении оборотной воды в промышленных предприятиях и использовании установок испарительного охлаждения (охлаждение, отопление, кондиционирование, увлажнение) для кондиционирования воздуха зданий и сооружений. В этом отношении в развитых странах при применении современных технологий «в промышленных предприятиях при широком использовании установок испарительного охлаждения достигнуто уменьшение расхода электроэнергии до 70%»³. Сегодня в мире большое внимание в этом направлении обращено на создание экологически чистых эффективных установок, которые будут обеспечивать жизнедеятельность человека и находить пути рационального использования природного и энергетического ресурса. В связи с этим в мировой практике особый научный интерес направлен на использование естественного источника холода при повышении энергоэффективности систем кондиционирования воздуха.

По всему миру проводятся исследования по охлаждению оборотной воды методом использования естественного источника холода, а также определения и моделирования факторов, влияющих на метод испарительного охлаждения, усовершенствование двухступенчатых установок испарительного охлаждения, повышение их надежности. Кроме того, имеются разработки современных технологий, снижающие энергопотребление в системах кондиционирования воздуха. Вместе с тем для систем кондиционирования воздуха в жилых и общественных зданиях основным источником кондиционирования воздуха являются парокompрессорные охладительные машины, которые имеют недостатки. Поэтому вопрос использования естественных источников холода в системах кондиционирования воздуха является актуальной задачей.

В настоящее время в республике после обретения независимости особое внимание уделено разработкам по развитию энергетической отрасли, ведущей в экономике страны, в том числе по обновлению технологий, моделированию конструктивных параметров и режимов работы в системах кондиционирования воздуха в зданиях и сооружениях, уменьшению геометрических размеров установок, расходов на ресурсы и потребления энергии. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах отмечены задачи «... сокращения энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкого внедрения в производство энергосберегающих технологий»⁴. При выполнении этих задач, основной их них является создание энергосберегающих установок для систем

³ <https://www.munters.com/ru/areas-of-expertize/evaporative-cooling/>

⁴ Указе Президента Республики Узбекистан № УП – 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

кондиционирования воздуха (отопление, охлаждение, проветривание, увлажнение).

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для выполнения задач, намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП – 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в № ПК – 2343 от 5 мая 2015 года «О программах сокращения использования энергии и внедрения энергосберегающей технологии в отраслях экономики и социальной сфере на 2015 – 2019 годы» и № ПП – 3379 от 8 ноября 2017 года «О мерах по обеспечению рационального использования энергоресурсов», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в этой сфере.

Соответствие исследования перспективным направлениям развития науки и технологии республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики: II «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

